



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 19 » aprel

№ 197

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 февралдаги 104-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг ташкилий ва методик принципларини, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш, давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ушбу жараёнлардаги масъулиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишлари **2022 йилнинг август ойида** Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманида амалга оширилсин.

2. Куйидагилар:

синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш, уларни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш тартибини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш, молиявий ва моддий-техник таъминот юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар, ушбу жараёнларга масъул вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг ҳамда бажариш муддатларини белгиловчи **Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;**

синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёнларига вақтинчалик ёлланадиган ходимлар, ушбу жараёнларга давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш, уларга қўйиладиган талаблар ҳамда ушбу шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом** 3-иловага мувофиқ;

синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёнида респондентларнинг қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотларини йигишида фойдаланиладиган саволлар рўйхатини ўз ичига олган **Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури** 4-иловага мувофиқ;

синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури асосида ишлаб чиқилган рўйхатдан ўтказиш сўровнома шаклларидан иборат **Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш сўровномалари рўйхати** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш бўйича худудий комиссиялар 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш бўйича маҳсус дастурий таъминотни (кейинги ўринларда – дастурий таъминот) ишлаб чиқсан. Бунда:

Давлат статистика қўмитаси дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича буюртмачи этиб;

дастурий таъминотни жорий этиш ва кейинчалик қўллаб-қувватлаш Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга ошириладиган худудларни **2022 йил 1 июнга қадар** зарур миқдорда картографик материаллар (шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режалари ва хариталари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ер участкалари хариталари) билан таъминласин.

6. Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Жомбой ва Паркент туманлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куватлаш вазирлиги **2022 йил 1 июнга қадар** аҳоли пунктлари ва кўчалар ном белгиларини ўрнатиш, хонадон ва уйларни тўлиқ рақамлаш ишларини якунига етказсин ва синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш даврига қадар мунтазам равишда янгилаб борилишини ҳамда рўйхатдан ўтказиш даврида уларга ўзгартириш киритиласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда синов тариқасида амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жалб этиладиган ходимлар ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун ажратилган бино ва иншоотлар хавфсизлигини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси белгиланган тартибда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар сметасини 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпания билан биргаликда 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси синов натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни назарда тутувчи норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳасини **2023 йил 1 февралига қадар** ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “19” апрел даги 197-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги  
соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш  
ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига (кейинги ўринларда – синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш) тайёргарлик кўриш, уларни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш тартибини белгилайди.

2. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишлари 2022 йилнинг август ойида танлаб олинган ҳудудларда амалга оширилади ва рўйхатдан ўтказиш бошланишининг аниқ вақти 2022 йил 1 август соат 00:00 этиб белгиланади (кейинги ўринларда – рўйхатдан ўтказиш санаси). Рўйхатдан ўтказиш давомийлиги – 31 кун этиб белгиланади.

Респондентларнинг қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотларини йиғища рўйхатдан ўтказиш санасидан кейин содир бўлган хўжалик фаолиятидаги ўзгаришлар ҳисобга олинмайди ҳамда мазкур ўзгаришлар рўйхатдан ўтказиш сўровномалари ва бошқа рўйхатдан ўтказиш хужжатларида қайд этилмайди.

3. Рўйхатдан ўтказиш сўровномалари синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш дастурига киритилган саволлардан ташкил топади.

4. Қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотларни тўплаш:

дехқон ва томорқа хўжаликлари, дала ҳовли участкалари эгалари тўғрисидаги маълумотлар улар яшайдиган хўжаликларга ташриф буюрган ҳолда, респондентлар билан сўров ўтказиш ва уларнинг жавоблари асосида маълумотларни планшет қурилмалари ёрдамида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш орқали тўпланади. Сўров ўтказилаётган респондентларнинг оғзаки жавоблари асосида рўйхатдан ўтказувчи шахслар томонидан тегишли сўровномаларга маълумотлар киритилади. Рўйхатдан ўтказиш даврида хўжалик бошлигининг ўзи бўлмагандан, хўжаликка доир маълумотлар ушбу хўжаликнинг вояга етган аъзоси томонидан маълум қилинади;

фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг раҳбар ва масъул ходимлари билан сўров ўтказиш ва уларнинг жавоблари асосида маълумотларни планшет қурилмалари ёрдамида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш орқали тўпланади. Сўров ўтказилаётган респондентларнинг оғзаки жавоблари асосида рўйхатдан ўтказувчи

шахслар томонидан тегишли сўровномаларга маълумотлар киритилади. Хўжаликка (ташкилотга) доир маълумотлар ушбу хўжалик (ташкилот)нинг раҳбари ёки бош ҳисобчиси томонидан маълум қилинади;

рўйхатдан ўтказиш обьектида рўйхатдан ўтишни истамаган респондентлар учун рўйхатдан ўтказиш сўровномаларига маълумотлар туман ҳокимликлари томонидан ажратилган бино ёки хоналарда жойлашган стационар участкаларда (кейинги ўринларда – стационар участкалар) киритилади;

респондентлар рўйхатдан ўтказиш сўровномасидаги саволларга жавоб беришни рад этган тақдирда, рўйхатдан ўтказиш сўровномаларига маълумотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидағи, маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари ёки қишлоқ хўжалиги, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш, шунингдек Кадастр агентлиги ҳузуридағи Давлат кадастрлари палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаларидағи, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларидаги мавжуд маълумотлар асосида киритилади;

гапириши ва эшитишида нуқсони бўлган респондентларнинг хўжаликка (ташкилотга) доир маълумотлари тегишли ҳудуд бўйича ногиронлик жамиятларининг ходимлари ёки ушбу шахслар билан муомала қилиш имконияти мавжуд бўлган шахслар кўмагида тўпланади.

5. Респондентлар ўзининг қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширадиган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилади. Бу жой респондент рўйхатдан ўтган (рўйхатга қўйилган) манзил билан мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин.

## **2-боб. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш жараёнида иштирок этувчи давлат органлари**

6. Куйидаги органлар синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишни таъминлайди:

2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – республика комиссияси);

Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида тузилган 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссиялар);

давлат статистика органлари;

тегишли вазирликлар ва идоралар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш бўйича маҳсус ваколатли давлат органи сифатида қуйидагиларни амалга оширади:

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўйича методика ва қўлланма материалларни тайёрлайди ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимлар гувоҳномаси шаклини ишлаб чиқади;

планшет курилмалари ёрдамида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш, таҳлил қилиш ва натижаларини ўз вақтида олиш бўйича ахборот тизими ишлаб чиқилишини ташкил қиласди;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш хужжатларини чоп этиш, канцелярия буюмлари ҳамда моддий-техник таъминот воситаларини тайёрлаш (сотиб олиш) ва уларни ўз вақтида тегишли худудларга етказиб бериш ишларини ташкил этади;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитиш тартибини белгилайди, Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятлари статистика бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий статистика бошқармалари) ходимларини ўқитишни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) билан биргаликда рўйхатдан ўтказишида фойдаланиладиган картографик материалларни тайёрлаш бўйича техник шартларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ҳақида аҳолини ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган субъектларни хабардор қилиш ишларини (шу жумладан, SMS-хабарнома, аудио ва видео реклама материаллари, нашрлар ва бошқалар) мувофиқлаштиради;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг ҳудудий комиссиялар билан биргаликда сифатли ўтказилишини ташкил этишга кўмаклашади;

қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотларга ишлов бериш тартибини белгилайди ва уларга ишлов беришни амалга оширади.

8. Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Жомбой ва Паркент туманлари ҳокимликлари:

маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини ҳисобга олиб, аҳоли пунктларининг тўлиқ рўйхати тузилишини таъминлайди;

томорқа ер майдонлари мавжуд бўлган дехқон ва томорқа хўжаликлари сонини кўрсатган ҳолда, фуқаролар йигинларининг тўлиқ рўйхатини тузади;

мавжуд фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар, боғдорчилик, полизчилик ва узумчилик ширкатлари сонини кўрсатиб, уларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантиради;

дехқон ва томорқа хўжаликлари, дала ҳовли участкалари эгалари, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар сонидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда

худудларни рўйхатдан ўтказиш, инструкторлик ва ҳисоб участкаларига бўлинишини таъминлайди ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этади;

маъмурий-худудий бирликларда кўчаларнинг номлари, уйларнинг рақамлари кўрсатилган кўрсаткичлар бўлишини таъминлайди;

жалб этилган рўйхатдан ўтказувчи ходимлар таркибини тасдиқлади;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитишни ташкил этади;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказишга жалб этилган шахсларнинг ўқиши ва ишлаши учун яроқли бўлган мебеллар ва алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтинча бинолар ёки хоналар ажратилишини таъминлайди;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини вақтинча сақлаш учун қўриқланадиган бинолар ёки хоналар ажратилишини таъминлайди;

зарур транспорт ва алоқа воситалари тақдим этилишини таъминлайди;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказишда хавфсизликни таъминлаш ишлари мувофиқлаштирилишини ташкил этади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси:

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жалб этилган шахсларнинг хавфсизлигини;

жиноятчилик кўп учрайдиган худудлар ва тарбияси оғир оиласлар рўйхатлари шакллантирилишини;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш жараёнида жамоат тартибини сақлаш мақсадида рўйхатдан ўтказувчи гурухларга бир нафар ходим жалб этилишини;

ўз ходимларининг синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимлар билан биргаликда рўйхатдан ўтказиш жараёнида иштирок этишини;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш даврида рўйхатдан ўтказиш материалларининг сақланишини ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органларнинг бинолари ва юклари қўриқланишини;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш даврида рўйхатдан ўтказувчи ходимларни рўйхатдан ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар худудига киришга тўсқинлик қилмаслик мақсадида корхона ва ташкилотлар маъмурияти билан профилактик тушунтириш ишлари ўтказилишини;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик қўриш ва уларни амалга ошириш даврида худудларда тинчлик ва осойишталик, жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлигини таъминлайди.

10. Зарур ҳолларда, синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик қўриш ва уларни амалга ошириш доирасидаги айrim ишлар ва тадбирларни бажаришга қўмаклашиш учун бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар қўшимча равишда жалб этилиши мумкин.

11. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Молиялаштириш учун зарур маблағлар ҳисоб-китоблари Кўмита, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ва бошқа масъул идоралар томонидан тайёрланади.

### **3-боб. Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш**

12. Кадастр агентлиги синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш учун зарур картографик материаллар билан таъминлайди.

Рўйхатдан ўтказиш учун картографик материаллар қуидагиларни ўз ичига олади:

Жомбой ва Паркент туманларининг маъмурий-худудий хариталари; шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ аҳоли пунктлари ва маҳаллаларнинг схематик режалари.

Шу билан бирга, Кадастр агентлиги томонидан:

ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар бўйича маълумотлар;

ҳар бир ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори бўйича ер кадастри электрон маълумотлар базаси шакллантирилади.

13. Рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга оширишнинг ташкилий режаси (кейинги ўринларда – ташкилий режа) тегишли ҳудудий комиссиялар томонидан Жомбой ва Паркент туманлари бўйича алоҳида тузилади.

Рўйхатдан ўтказиш участкаларининг чегаралари ҳар бир рўйхатдан ўтказиш участкасига тўғри келадиган юкламани (ўртacha 4500 та дехқон хўжалиги (хонадон) ва ўртacha 250 та фермер хўжалиги) ҳисобга олинган ҳолда, маъмурий-худудий бўлинеш яхлитлигини (туман даражасида) сақлаш шарти билан белгиланади.

Рўйхатдан ўтказиш участкалари ҳар бир инструкторга тўғри келадиган юклама (ўртacha 900 та дехқон хўжалиги (хонадон) ва ўртacha 50 та фермер хўжалиги) ва ҳудуддаги мавжуд хўжаликлар сони ҳисобга олинган ҳолда инструкторлик участкаларига бўлинади.

Инструкторлик участкалари ҳар бир рўйхатдан ўтказувчига тўғри келадиган юкламадан (ўртacha 180 та дехқон хўжалиги (хонадон) ва ўртacha 10 та фермер хўжалиги) келиб чиқсан ҳолда ҳисоб участкаларига бўлинади.

Худудий комиссиялар ва республика комиссияси қарорига асосан бориш қийин бўлган ва олис худудларда ҳисоб участкасига тўғри келадиган дехқон ва томорқа хўжалиги (хонадон) сони ўртacha 50 тадан иборат бўлиши мезон сифатида олинади.

Айрим ҳолларда ҳисоб участкаларини тузишда рўйхатдан ўтказувчига тўғри келадиган ўртacha юклама белгиланган нормалардан кам ёки кўп бўлиши мумкин.

Ҳисоб участкаси, инструкторлик ва рўйхатдан ўтказиш участкалари сонидан келиб чиқиб, рўйхатдан ўтказиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган ходимлар сони аниқланади.

Ташкилий режани тузишда кўзда тутилмаган ҳолатлар (бетоблик, баҳтсиз ҳодисалар, юкланган вазифаларни тўлиқ бажармаслик ва бошқалар) ҳисобга олинган ҳолда ҳисоб участкаси, инструкторлик ҳамда рўйхатдан ўтказиш участкаларига вақтинча жалб этиладиган ходимлар умумий сонининг 10 (үн) фоизи иш ҳақи тўланмайдиган кадрлар захираси шакллантирилади.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар юзага келганда, рўйхатдан ўтказиш жараёнларига захирадан жалб этилган ходимларга белгиланган тартибда иш ҳақи тўланади.

14. Жомбой ва Паркент туманлари бўйича тайёрланган ташкилий режалар туманлар ҳокимлеклари ҳузуридаги худудий комиссиялар томонидан тасдиқланади ҳамда Самарқанд ва Тошкент вилоятлари статистика бошқармаларига тақдим этилади.

15. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилиши, ҳудудлар даражасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш худудий комиссиялар томонидан мувофиқлаштирилади.

16. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш белгиланган ҳудудлардаги ички ишлар органлари томонидан жиноятчилик кўп учрайдиган ҳудудлар ва тарбияси оғир оиласалар тўғрисидаги маълумотлар 2022 йил июнь ойидан кечиктирмаган ҳолда худудий комиссияларга тақдим этилади.

Олинган маълумотлар рўйхатдан ўтказилади ва ҳисоб участкалари бўйича гурухланади ҳамда рўйхатдан ўтказувчиларни ушбу манзиллар тўғрисида хабардор қилиш учун рўйхатдан ўтказиш участкалари бошлиғи ёки уларнинг ўринбосарларига тақдим этилади.

#### **4-боб. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жалб қилинадиган ходимлар тоифалари**

17. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига қуйидаги тоифадаги ходимлар жалб қилинади:

республика даражасида – республика комиссияси таркибида киритилган вазирлик ва идоралар, Кўмита марказий аппарати ҳамда Кўмита ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ходимлари;

худудий даражада – тегишли худудий комиссиялар аъзолари, худудий статистика бошқармалари ходимлари;

туманларда – Жомбой ва Паркент туманлари статистика бўлимлари ходимлари ва шартнома асосида вақтинча жалб этиладиган туман рўйхатдан ўтказиш бўлимлари ҳамда рўйхатдан ўтказиш участкаси, инструкторлик ва ҳисоб участкалари ходимлари.

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар, кўлланма ва маълумотнома хужжатларини ишлаб чиқишида иштирок этиш, рўйхатдан ўтказишни молиявий ва моддий-техник таъминлашда ҳисоб-китобларни тайёрлаш учун мутахассислар қўшимча равишида шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.

18. Самарқанд ва Тошкент вилоятлари, Жомбой ва Паркент туманлари ҳокимликлари синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишлари учун жалб этиладиган шахсларни белгиланган талаблар асосида танлаб олади ва уларнинг рўйхатини шакллантиради.

Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик қўриш ва уларни амалга оширишга жалб этиладиган шахслар рўйхати Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари хузуридаги худудий комиссиялар томонидан тасдиқланади.

19. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик қўриш жараёнида Кўмитанинг худудий статистика органлари томонидан Жомбой ва Паркент туманлари худуди шартли равишида уй-жой ва хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузиш участкаларига бўлинади, бунда участка чегараларида ўртacha 750 та уй-жой ва 25 та хўжалик (ташкилот) қамраб олинади.

Уй-жой ва хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузувчилар сонини шакллантиришда кўзда тутилмаган ҳолатлар (бетоблик, баҳтсиз ҳодисалар, юқлатилган вазифаларни тўлиқ бажармаслик ва бошқалар) ҳисобга олинган ҳолда, асосий таркибга қўшимча равишида иш ҳақи тўланмайдиган 5 фоиз кадрлар захираси шакллантирилади.

Ҳар бир уй-жой ва хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузиш участкаларига уй-жой ва хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузувчилар бириктирилади. Уларнинг фаолиятини тегишли туман синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиги назорат қиласи.

20. Уй-жойлар ва хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузувчилар махсус дастур асосида ўқитилиб, бино ва уй-жойлар, хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузиш учун жалб этилади.

Уй-жой ва хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузувчилар ўз участкасини хатловдан ўтказиш давомида респондентлар яшайдиган барча бинолар рўйхатини аниқлайди, картографик материалларни текширади, уларга тегишли белги қўяди ва зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритади.

21. Туманлар ҳокимликлари томонидан худудий статистика органлари билан биргаликда Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куватлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Кадастр агентлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг худудий органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари орасидан уй-жой ва хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузувчилар танлаб олинади ҳамда шартнома асосида ишга жалб этилади.

22. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш, инструкторлик, ҳисоб ва стационар участкалар ишини ташкил қилиш учун ёлланадиган қуидаги ходимлар фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома асосида жалб қилинади:

респондентдан сўров ўтказиш орқали синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга оширувчи рўйхатдан ўтказувчи ходим;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилар ишини назорат қиласидан назоратчи инструктор ходим;

инструкторлар ишини назорат қиласидан назорат қиласидан ўтказиш ишларини амалга оширувчи рўйхатдан ўтказувчи ходим;

туман миқёсида синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларини назорат қиласидан назорат қиласидан ўтказиш ишларини амалга оширувчи ходимлар (синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиғи ва унинг ўринбосари);

туман миқёсида синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларини мувофиқлаштирадиган ходим (синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиғи ва унинг ўринбосари).

23. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишга жалб қилинган шахслар меҳнатига мазкур қарорга З-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳақ тўланади.

24. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига вақтинча жалб қилинадиган ходимларга Кўмита томонидан тайёрланган маҳсус гувоҳнома берилади.

25. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига вақтинча жалб этиладиган ходимларга маҳсус гувоҳномалар беришга тегишли худудий статистика органлари масъул ҳисобланади.

26. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига вақтинча жалб этиладиган ходимлар ўқитилади.

27. Ўқитиш давомида қуидагилар:

синов тариқасида рўйхатдан ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишни тартибга солувчи асосий норматив-хукуқий ҳужжатлар, рўйхатдан ўтказиш сўровномалари таркиби ва унга маълумотларни

киритиши тартиби, шунингдек, рўйхатдан ўтказувчи ходимларнинг вазифалари, ахлоқ нормаларини ўргатиш бўйича машғулотлар;

планшет қурилмаларидан фойдаланган ҳолда сўровномаларни тўлдириш, тўпланган маълумотларни марказий базага юклаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича машғулотлар;

техника хавфсизлиги бўйича машғулотлар;

уй-жой ва хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини тузувчилар томонидан шаҳар, шаҳар типидаги аҳоли пункти, қишлоқ аҳоли пунктларидағи уй-жойлар, бинолар, шунингдек, фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тегишли ер участкалари рўйхатини тузиш бўйича амалий машғулотлар;

респондентлар билан сўров ўтказиш, келиб чиқадиган барча қийинчиликларни аниқлаштиришга доир муаммоли масалаларни мухокама қилиш бўйича амалий машғулотлар;

ўқитилган ходимларнинг маълумотларни ўзлаштирганлиги бўйича назорат қилиш ишлари ташкил этилади.

**28. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимлар ўқитилгандан сўнг маҳсус гувоҳнома ва кийим (нимча, бош кийим ва бошқалар бўлиши мумкин), рўйхатдан ўтказиш воситалари (планшет, рўйхатдан ўтказиш хужжатлари ва канцелярия буюмларини олиб юриш учун сумка) билан таъминланади.**

#### **5-боб. Синов тариқасида қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш**

**29. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга оширишда, респондентлар сўрови қуидагича ташкил этилади:**

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш сўровномалари асосида уйма-уй юрган ҳолда, юридик шахс ташкил этмаган дехқон хўжаликлари, томорқа хўжаликлари ва дала ҳовли участкаларини рўйхатдан ўтказиш;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш сўровномалари асосида хўжалик (ташкилот) раҳбари ва масъул ходимлари билан сўров ўтказган ҳолда, юридик шахс ташкил этган дехқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш сўровномалари асосида ҳокимликлар балансида бўлган захири ерларни рўйхатдан ўтказиш;

ҳар бир ҳисоб участкасидаги хўжаликларнинг 10 фоизини танланма равишида назорат кузатуви асосида ўрганиш.

**30. Агар респондент яшаб турган хонадонида рўйхатдан ўтишни истамаса, рўйхатдан ўтказувчи унга инструкторлик участкасига бориб рўйхатдан ўтишни таклиф этади ва участка манзилини беради.**

Инструкторлик участкаси тегишли худудларда синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш даврида фаолият юритади.

31. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш участкаси ходимлари, инструкторлар ва рўйхатдан ўтказувчилар белгиланган тартибда маҳсус гувоҳнома, сумка ва канцелярия буюмлари билан таъминланади.

32. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш даврида инструкторлар рўйхатдан ўтказувчилар томонидан сўров ўтказилган респондентлар сонини кунлик назорат қиласи ва уларнинг ҳисобини юритиб боради.

33. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимлар:

сўров ўтказишидан олдин ўзини таништириши, респондентга ўз гувоҳномасини кўрсатиши, ташриф мақсадини тушунтириши, шунингдек, синов тариқасида рўйхатдан ўтказишида иштирок этишнинг муҳимлиги, респондентларнинг хўжаликка доир маълумотларининг маҳфийлиги таъминланиши ва сўров тахминан қанча вақт давом этиши тўғрисида маълумот бериши;

хўжаликка доир маълумотларни тўплаш жараёнида синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш дастурида белгиланган саволлар рўйхатига риоя этиши, уларнинг мазмуни бузилишига йўл қўймаслиги;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш сўровномасида келтирилган кетма-кетлик бўйича саволлар бериши, сўровномада мавжуд бўлмаган саволларни бермаслиги;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш бўйича йўриқномада келтирилган тушунтиришлардан ташқари респондентга қулайлик яратиш мақсадида қўшимча равища тушунтиришлар бериши;

хушмуомала бўлиши, бошқа шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги ёки уларнинг ҳаёти, соғлиги ва молмулкига хавф солмаслиги, шунингдек, статистика органлари обрўсига путур етказадиган ҳаракатлардан сақланиши;

хўжаликка доир маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаши ва уларнинг мазмунини ошкор қилмаслиги;

ўз ваколатларига мувофиқ ишларни тўлиқ, сифатли ва белгиланган муддатларда бажариши лозим.

34. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилар инструктор, рўйхатдан ўтказиш участкаси ходимлари кўрсатмаларини ўз вақтида ва аниқ бажаради ҳамда бу борада бошқа рўйхатдан ўтказувчилар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши мумкин.

Синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилар иш жараёнида юзага келадиган муаммолар ва уларнинг сабаблари бўйича инструкторга хабар беради ҳамда ушбу муаммоларни имкон қадар мустақил равища бартараф қилиш чораларини кўради.

Шунингдек, синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилар зарурат туғилганда, оиласвий аҳволи, соғлиги ва бошқа кутилмаган ҳолатлар ҳақида инструкторга хабар беради.

35. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилар мустақил равища иш режасини тузади, зарур ҳолларда инструктор билан маслаҳатлашади, ўзига бириктирилган ҳудуддаги барча хўжаликларни ҳисобга олган ҳолда сўров ўтказиш учун қулай бўлган йўналишни белгилаб олади.

Кун режасини тузиша синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилар қуидагиларни:

кам вақт сарф этиб, қисқа масофани босиб максимал миқдорда хўжаликларни айланиб, рўйхатдан ўтказишни;

жиноятчилик кўп учрайдиган ҳудудлар ва тарбияси оғир оиласар хонадонларига Миллий гвардия ёки ички ишлар органлари ходимлари билан биргаликда ташриф буюрган ҳолда зарур хавфсизлик чораларини кўришни ҳисобга олади.

36. Агар синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилар режадан сезиларли даражада ортда қолаётган бўлса, инструкторлар ушбу ҳолатнинг сабабини аниқлаштиради ва зарур ҳолларда, захира таркибидан синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилар жалб этилиши юзасидан ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқларига таклиф киритади.

37. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш хўжаликнинг қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширганligини аниқлашдан бошланади.

38. Сўров давлат тилида ўтказилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар она тилида ёки эркин равища танланган мулоқот тилида сўровдан ўтказилиши мумкин. Бунда синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимлар ушбу ҳудудда яшовчи ёки шу ҳудуднинг аҳолиси билан эркин мулоқот қила оладиган шахслар орасидан танланади.

39. Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида уч кун муддатда танланма равища назорат кузатуви ўтказилади.

Назорат кузатуви барча ҳисоб участкалари бўйича 10 фоиздан кам бўлмаган қамров билан ўтказилади.

Назорат кузатувидан сўнг назорат кузатуви маълумотлари билан синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш даврида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларига киритилган маълумотлар солиштирилади ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўлиқлиги ва рўйхатдан ўтказиш сўровномаларига киритилган маълумотлар сифати текширилади.

40. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказишнинг хўжаликка доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди.

41. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ва назорат кузатуви ўтказилгандан кейин планшетлар, сумкалар ва бошқа хужжатлар қуидаги тартибда топширилиши керак:

синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи – рўйхатдан ўтказиш ишлари якунлангандан сўнг 1 (бир) календарь кун муддатда инструкторларга;

инструкторлар – синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчилардан қабул қилиб олингандан сўнг 3 (уч) календарь кун муддатда синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш участкаси бошлиқларига;

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш участкаси бошлиғи – инструктордан қабул қилиб олингандан сўнг 5 (беш) календарь кун муддатда туман синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиқларига;

туман синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиқлари – рўйхатдан ўтказиш участкаси бошлиқларидан қабул қилиб олингандан сўнг 5 (беш) календарь кун муддат ичида тегишли ҳудудий статистика бошқармаларига топширади.

#### **6-боб. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг натижаларини шакллантириш ва таҳлил қилиш**

42. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимлар томонидан тайёрланган йиғма маълумотлар натижалари асосида туманлар бўйича дастлабки маълумотлар хўжалик тоифаларига ажратилган ҳолда шакллантирилади.

43. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг натижалари тегишли ҳудудлар бўйича белгиланган жадваллар шаклида шакллантирилади.

44. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг электрон маълумотлар базаси ва бошқа ҳужжатларнинг электрон шакли ҳамда синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг йиғма ҳужжатлари қайта ишлангандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигига тақдим этилади.

#### **7-боб. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш**

45. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишга жалб этиладиган ходимлар фаолиятини белгиланган меъёrlар асосида ташкил этиш учун синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларини моддий-техника воситалари билан таъминлаш Кўмита томонидан амалга оширилади.

46. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчиларнинг сумкалари, канцелярия буюмлари, гувохномаси, маҳсус кийимлари ҳамда бошқа товар-моддий бойликлари Кўмита томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ харид қилинади.

47. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини ҳамда планшет курилмалари тегишли ҳудудий статистика органларига Кўмита томонидан етказиб берилади.

#### **8-боб. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш яқунлари бўйича амалга ошириладиган ишлар**

48. Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг натижалари бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш дастури, рўйхатдан ўтказиш сўровномалари, рўйхатдан ўтказиш услублари, рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш бўйича асосий тадбирлар ҳамда фойдаланилган ахборот технологиялари бўйича синов натижалари таҳлил қилинади;

синов натижаларига кўра 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури, услугбий қўлланмалар ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш усуллари ва қишлоқ хўжалигига рўйхатдан ўтказиш якунларини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Вазирлар Махкамасининг  
2022 йил “ГЭ” адрел даги 197 -сон карорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикасида синов тарикасида кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриши  
ва уларни амалга ошириш бўйича “йўл харита”си**

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
<b>I. Кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш бўйича ташкилий-хукукий тадбирлар</b>				
1	Ўзбекистон Республикасида кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриши ва уларни амалга ошириш бўйича норматив-хукукий хужжат лойихасини ишлаб чикиш.	<p>1. Халкаро ташкилотлар тавсиялари ва хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиши.</p> <p>2. Синов асосида кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг якуний натижаларини таҳлил килиш.</p> <p>3. Синов натижаларига кўра, кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш хамда натижаларини эълон килиш тартиби, рўйхатдан ўтказиш дастури, рўйхатдан ўтказиш жараёнларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳак тўлаш тартиби, рўйхатдан ўтказишнинг якуний маълумотларидан фойдаланиш тартиби каби норматив хужжатларни ишлаб чикиш.</p> <p>4. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегиши вазирлик ва идоралар билан келишини.</p> <p>5. Қарор лойиҳасини Вазирлар Махкамасига киритиш.</p>	2022 – 2023 йй.	Давлат статистика кўмитаси, Кишлек хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солик кўмитаси Хузуридаги Кадастр агентлиги, Манбаатдор вазирлик ва идоралар
2	Кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриши ва уларни амалга	1. Ўзбекистон Республикасида кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриши ва уларни амалга	2022 йил ноябрь	Давлат статистика кўмитаси

T/r	Гадирилар номи	Амалга ошириш механизмни	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижроочилар
1	ошириш, уларнинг натижаларини олиш ва кайта ишлаш, жалб этиладиган вактинча ходимларни ёллаш ва тўлаш чикиш.	амалга ошириш хамда маълумотларни киритиш ва кайта ишлаш учун вактинча биноларни ажратиш бўйича кўлланма ишлаб чикиш.	2023 йил январь	Давлат статистика кўмитаси
2	тамойиллари хамда услубий асослари ва рўйхатдан ўтказишга оид бошка масалалар бўйича ташкилий-услубий хужжатларни ишлаб чикиш.	2. Кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиниши ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш масалалари бўйича ходимларни ўқитини тартибини ишлаб чикиш. 3. Кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиниши ишларига вактинча жалб этиладиган ходимларни лавозим мажбуриятларини ишлаб чикиш.	2023 йил февраль	Давлат статистика кўмитаси
3	Синов тарикасида кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиниши ишларига тайёргарлик кўриши ва уларни амалга ошириши.	II. Синов тарикасида кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиниши ишларига тайёргарлик кўриши	2022 йил 1 июнь	Кадастр агентлиги, Самарқанд вилояти хокимлиги, Тошкент вилояти хокимлиги, Жомбой тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги, Худудий комиссиялар
4	Ахоли пунктларидаги дехкон ва томорка хўжаликлари шакллантириши.	3. Синов тарикасида кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиниши ишларига тайёргарлик кўриши интироқчиларни картографик материаллар (схематик режа ва хариталар) билан тъминлаш.	1. Туманлар бўйича 1:25 000 ва 1:50 000 масштабда схематик хариталар тузиш. 2. Ахоли пунктлари бўйича 1:2 000 масштабда схематик режалар тузиш. 3. Ахолиси зич худудларда хамда майдони 200 000 гектардан кичик худудларда 1:25 000 масштабда схематик хариталар тузиш. 4. 200 000 гектардан ортик майдонга эга бўлган туманлар бўйича 1:50 000 масштабда схематик хариталар тузиш. 5. Жомбой ва Паркент туманлари марказлари учун 1:10 000 масштабдаги схематик хариталар тузиш.	Самарқанд вилояти хокимлиги, Тошкент вилояти хокимлиги, Жомбой тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги Махалла ва нуронийларни кўллаб-

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмни	Амалга ошириши муддатлари	Масъул ижрочилар
	3. Амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг ишларини олиб бориш.	1. Хўжалик коритувчи субъектларни худудлар бўйича рўйхатини шаклантириш. 2. Шакллантирилган маълумотларни тахнил килиш. 3. Амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг ишларини олиб бориш.	2022 йил 1 июнъ Доимий	Кувватлаш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Кишлопк хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгапи,
5	Фермер хўжаликлари ва кишлоп хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи рўйхатини ташкилотларнинг шаклантириш.	1. Хўжалик коритувчи субъектларни худудлар бўйича рўйхатини шаклантириш. 2. Шакллантирилган маълумотларни тахнил килиш. 3. Амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг ишларини олиб бориш.	2022 йил 1 июнъ Доимий	Давлат статистика кўмитаси, Самарқанд вилояти хокимлиги, Гашкент вилояти хокимлиги, Жомбой тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги, Кишлопк хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгапи,
6	Худудларда синов тарикасида кишлоп хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш, инструкторлик ва хисоб участкаларига бўлиш. тадбирларни амалга ошириш.	1. Синов тарикасида кишлоп хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш, инструкторлик ва хисоб участкаларига бўлиш. 2. Синов тарикасида кишлоп хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жалб этиладиган рўйхатдан ўтказувчи ходимларни танлаб олиш, таркибини тасдиклashi хамда уларни ўқитиш. 3. Алока воситалари билан жихозланган бинолар билан тайминлашни ташкил этиш. 4. Туман рўйхатдан ўтказиш ва бўлимларини, рўйхагдан ўтказиш ва инструкторлик участкаларини зарур ишларда транспорт воситалари билан	2022 йил 1 июнга қадар 2022 йил 1 июнга қадар 2022 йил (синов тарикасида рўйхатдан ўтказиш ва бўлимларини, рўйхагдан ўтказиш ва инструкторлик участкаларини зарур ишларига	Худудий комиссиялар, Самарқанд вилояти хокимлиги, Гашкент вилояти хокимлиги, Жомбой тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги, Давлат статистика кўмитаси ва унинг худудий органлари, Махалла ва нуронийларни кўплаб-куватлаш вазирлиги ва унинг худудий органлари, Кишлопк хўжалиги вазирлиги ва унинг худудий органлари, ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари

Г/р	Гадирилар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мүндаатлари	Масъул ижроочилар
		<p>тамминлаш.</p> <p>5. Синов тарикасида кишлөк хүжалиги сохасида рүйхатдан ўтказиш ишларининг сифатли амалга оширилишини ташкил этиш.</p> <p>6. Амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг ишларини олиб борини.</p>	<p>тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш даврида)</p> <p>Доимий</p>	<p>кенгашни ва унинг худудий органлари,</p>
7		<p>Синов тарикасида кишлөк хўжалиги сохасида рўйхатдан ўтказиш ишларига ходимларга кўйиладиган талабларни ишлаб чикиш.</p> <p>1. Вактинча рўйхатдан ўтказувчи ходимларни гандлаш.</p> <p>2. Вактинча рўйхатдан ўтказувчи ходимларни гандлаш.</p> <p>3. Вактинча рўйхатдан ўтказувчи ходимларни гандлаш.</p>	<p>2022 йил 1 июнга қадар</p>	<p>Самарқанд вилояти хокимлиги, Тошкент вилояти хокимлиги, Жомбой тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги, худудий комиссиялар</p>
8		<p>Синов тарикасида рўйхатдан ўтказувчиларни хуҗжаллар ва моддий-техник буюмлар билан тамминлаш.</p>	<p>1. Синов тарикасида рўйхатдан ўтказиш сўрвномаларини тўлдириш бўйича 1 июнга қадар</p> <p>2. Рўйхатдан ўтказиш сумкалари хамда планшетларни етказиб бериш.</p> <p>3. Туман синов тарикасида рўйхатдан ўтказиш бўйимлари, рўйхатдан ўтказиш ва инструкторлик участкаларига канцелярия моллари ва бошқа жихозларни ётказиб берисп.</p>	<p>Давлат статистика кўмитаси Самарқанд вилояти хокимлиги, Тошкент вилояти хокимлиги, Жомбой тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги</p>
9		<p>Синов тарикасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш масалалари бўйича статистика органлари ходимларини ўқитиш.</p>	<p>1. Ўқитишнинг режа-жадвалини ишлаб чикиш.</p> <p>2. Давлат статистика кўмитаси марказий аппарати ходимларини ўқитиш.</p> <p>3. Худудий статистика бопшармалари ходимларини ўқитиш.</p>	<p>Давлат статистика кўмитаси 1 июнга қадар Режа-жадвалда белгиланган мүндаатларда</p>

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириши механизмни	Амалга ошириши муддатлари	Масбул ижрочилар
10	Синов тарикасида рўйхатдан чиқиши.	4. Туман ва шахар статистика бўлимлари ходимларини ўқитиш.	2022 йил 1 июнга кадар Режа-жадвада белгиланган муддатларда	Давлат статистика кўмитаси, худудий комиссиялар, Самарқанд вилояти хокимлиги, Тошкент вилояти хокимлиги, Жомбай тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги
11	Синов тарикасида рўйхатдан чиқиши.	1. Ўқитишнинг режа-жадвалини ишлаб чиқиши. 2. Туман синов тарикасида рўйхатдан ўқитиш бўлими ходимларини ўқитиш. 3. Синов тарикасида рўйхатдан ўтказиш участкалари ходимларини ўқитиш. 4. Инструкторларни ўқитиш. 5. Рўйхатдан ўтказувчиларни ўқитиш.	2022 йил (синов тарикасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёрлаш. тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш даврида)	Давлат статистика кўмитаси, Милий ахборот агентлиги, Милий телерадиокомпания, худудий комиссиялар, Самарқанд вилояти хокимлиги, Тошкент вилояти хокимлиги, Жомбай тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги
12	“Синов тарикасида кишлек хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий килиш.	1. Халқаро тажрибани ўрганиш. 2. “Синов тарикасида кишлек хўжалини соҳасида рўйхатдан ўтказиш” ахборот тизимини ишлаб чиқиш. 3. “Синов тарикасида кишлек хўжалини соҳасида рўйхатдан ўтказиш” ахборот тизимини жорий килиш.	2022 йил 1 июнгача	Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Кишлек хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги
13	Синов тарикасида рўйхатдан ўтказишни назорат килиш.	1. Картографик материаллар сифатли тайёрланишини назорат килиш. 2. Тарбибот ва ташвиқот ишларининг амалга оширилишини мониторинг килиш.	Доимий	Республика комиссияси, худудий комиссиялар, Давлат статистика кўмитаси, Кишлек хўжалиги вазирлиги,

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириши механизмни	Амалга ошириши	Муддатлари	Масбул ижрочилар
		<p>3. Амалга оширилаётган ишларни доимий мониторинг килиб бориши.</p> <p>4. Рўйхатдан ўтказиш ишларининг белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминлаш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Синов тарикасида рўйхатдан ўтказиш даврида</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Махалла ва нуронийларни кўллаб-кувватлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Кадастр агентлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши, Самарқанд вилояти хокимлиги, Тошкент вилояти хокимлиги, Жомбай тумани хокимлиги, Паркент тумани хокимлиги</p>	
<b>III. Моддий-техник ва молиявий тайминот</b>					
14	Синов тарикасида рўйхатдан ўтказувчиларни канцелярия буюмлари, муддий-техника воситалари ва бошқалар билан таъминлаш.	Давлат харидалари тўғрисидаги конун тапаблари асосида куйидагиларни бажариши: канцелярия буюмларини сотиб олиш; муддий-техника воситалари ва бонка зарур маҳсулотларни сотиб олиш.	Синов тарикасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш даврида	Давлат статистика кўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар	

Вазирлар Махкамасининг  
2022 йил “19” апреддаги 197-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги  
соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жисмоний ва юридик  
шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига (кейинги ўринларда – синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш) тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш ҳамда уларнинг натижаларини қайта ишлаш жараёнларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

